



# O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2025 yil « 11 » июль

№ ПҚ–223

## **Солиққа оид низоларни судгача ҳал қилиш механизмларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 20 август куни тадбиркорлар билан ўтказилган тўртинчи очиқ мулоқоти доирасида белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлаш, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари ва солиқ органлари ўртасида юзага келаётган солиққа оид низоларни судгача ҳал қилиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида **қарор қиламан:**

### **I. Асосий мақсад**

1. Ушбу қарорни қабул қилишдан кўзланган асосий мақсад этиб тадбиркорлик субъектлари ва солиқ органлари ўртасида юзага келаётган солиққа оид низоларни ҳал қилиш учун сарфланадиган вақт ва харажатларни камайтириш белгилансин.

### **II. Солиққа оид низолар бўйича эксперт кенгаши фаолиятини ташкил этиш**

2. Савдо-саноат палатаси, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Солиқ қўмитасининг Савдо-саноат палатаси ҳузурида солиқ, иқтисодиёт, молия ва ҳуқуқ масалалари бўйича экспертлардан иборат **Солиққа оид низолар бўйича эксперт кенгашини** (кейинги ўринларда – Эксперт кенгаши) иловага мувофиқ таркибда ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

3. Қуйидагилар **Эксперт кенгаши фаолиятининг асосий йўналишлари** этиб белгилансин:

(а) тадбиркорлик субъектлари ва солиқ органлари ўртасида юзага келган солиққа оид низоларни кўриб чиқиш ва улар юзасидан хулосалар бериш;

(б) солиқ қонунчилигига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг қўлланишини ўрганиш, шунингдек, ҳуқуқни қўллаш амалиёти сифатини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

(в) солиққа оид низоларни кўриб чиқишда бизнес ҳамжамияти, давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда илмий ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик ўрнатиш.

#### 4. Белгилансинки:

(а) Эксперт кенгаши **доимий фаолият юритувчи коллегиял орган** сифатида ташкил этилади;

(б) **Савдо-саноат палатаси** Эксперт кенгашининг фаолиятини ташкил этиш бўйича **ишчи орган** ҳисобланади;

(в) Эксперт кенгашининг мажлислари **бир ойда камида икки марта** ўтказилади.

#### 5. Эксперт кенгашига **солиққа оид низоларни кўриб чиқишда қуйидаги ваколатлар** берилсин:

(а) солиқ органларининг қарорларидан норози бўлган **тадбиркорлик субъектларининг мурожаатларини кўриб чиқиш**, бундан жиноят иши доирасида ёки суд тартибида кўриб чиқиладиган солиққа оид низолар мустасно;

(б) мурожаатларни кўриб чиқиш натижаси юзасидан **хулоса қабул қилиш**;

(в) қабул қилинган хулосаларни **мажбурий тартибда кўриб чиқиш** учун солиқ, божхона ва тегишли давлат органларига юбориш ҳамда бу ҳақда тадбиркорлик субъектини хабардор қилиш.

#### 6. Эксперт кенгашига унга юкланган вазифаларни амалга ошириш доирасида **қуйидаги ҳуқуқлар** берилсин:

(а) солиқ, божхона, иқтисодиёт, молия ва ҳуқуқ соҳасида етарли билим, малака ва кўникмаларга эга бўлган **мутахассис ва экспертларни жалб қилиш**. Бунда Эксперт кенгашига жалб қилинган мутахассис ва экспертларнинг фаолиятини **молиялаштириш шартлари ва тартиби** Савдо-саноат палатаси томонидан белгиланади;

(б) зарур ҳужжатлар ва ахборотларни давлат органлари ҳамда бошқа ташкилотлардан **бепул сўраб олиш**, бундан қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган ҳолатлар мустасно.

### III. Қарор ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

7. Савдо-саноат палатаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

(а) **икки ой муддатда:**

(i) Эксперт кенгаши фаолиятини йўлга қўйиш чораларини кўрсин;

(ii) солиққа оид низоларни судгача кўриб чиқишнинг афзалликлари тўғрисида чораклик режа-график тасдиқлаган ҳолда мунтазам равишда тарғибот-ташвиқот тадбирларини амалга ошириб борсин;

(iii) Солиққа оид низолар бўйича эксперт кенгаши тўғрисидаги низом лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин;

(б) **ҳар чоракда** Эксперт кенгашида кўриб чиқилган солиққа оид низолар натижаларини умумлаштириб, кўп такрорланувчи низоли масалалар ҳамда уларнинг олдини олиш бўйича таклифларни манфаатдор вазирлик, идора ва ташкилотлар ҳамда кенг жамоатчиликка етказиб борсин.

8. Солиқ қўмитаси:

(а) солиққа оид низоларни судгача кўриб чиқиш жараёни рақамлаштирилишини, сунъий интеллект технологиялари жорий этилишини;

(б) идоралараро электрон маълумот алмашинуви яхшиланишини, солиққа оид низолар кўриб чиқиладиган мажлисларда масофадан туриб иштирок этиш имкониятлари яратилишини;

(в) солиққа оид низоларни судгача кўриб чиқишда солиқ тўловчининг (вакилининг) иштирок этишига шарт-шароит яратилишини, жумладан, алоҳида махсус хоналар ташкил этилишини таъминласин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Савдо-саноат палатаси раиси Д.А. Вахабов, Солиқ қўмитаси раиси Ш.Д. Кудбиев ҳамда иқтисодиёт ва молия вазири ўринбосари А.Я. Хайдаров белгилансин.

10. Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти



Ш.Мирзиёев

Тошкент шаҳри

**Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги  
Солиққа оид низолар бўйича эксперт кенгаши  
ТАРКИБИ**

1. Д.А. Вахабов – Савдо-саноат палатаси раиси, *Эксперт кенгаши раиси*
2. А.Я. Хайдаров – иқтисодиёт ва молия вазири ўринбосари, *Эксперт кенгаши раиси ўринбосари*
3. Ж.О. Урунов – Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ўринбосари, *Эксперт кенгаши раиси ўринбосари*
4. А.Э. Файзибаев – Солиқ қўмитаси раиси ўринбосари, *Эксперт кенгаши раиси ўринбосари*
5. Б.К. Ибатов – Бош прокуратура бошқарма бошлиғи
6. У.Б. Жаксимуратов – Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи
7. Ф.О. Олимжонов – Божхона қўмитаси бошқарма бошлиғи
8. Д.Б. Байзакова – Тошкент халқаро арбитраж маркази раҳбари
9. Б.С. Набижонов – Ўзбекистон солиқ маслаҳатчилари палатасининг бошқаруви раиси
10. С.А. Голосова – “TRI-S-AUDIT” масъулияти чекланган жамияти раҳбари
11. А.Х. Тангирқулов – “EXACT ADVICER” масъулияти чекланган жамияти раҳбари
12. *Келишувга кўра* – *низо мазмунидан келиб чиқиб жалб қилинадиган мутахассислар\**
13. С.А.Ниязов – Савдо-саноат палатаси бошқарма бошлиғи, *Эксперт кенгаши котиби*

**Изоҳ:**

*Давлат органларидан жалб қилинган Эксперт кенгаши аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимларга янги тайинланган ёки зиммасига тегишли функцияларни бажариш юкланган шахслар киритилади.*

*Эксперт кенгаши таркибига (Кенгашнинг давлат органларидан жалб қилинмаган аъзолари қисмида) Эксперт кенгаши раиси ўринбосари тақдимномаси асосида Эксперт кенгаши раиси томонидан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.*

*\* Эксперт кенгаши таркибига низо мазмунидан келиб чиқиб, иш якуни бўйича манфаатдор бўлмаган мутахассис ёки экспертлар жалб қилиниши мумкин.*





# ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2025 yil « 11 » июля

№ ПП–223

## **О мерах по совершенствованию механизмов досудебного урегулирования налоговых споров**

В целях обеспечения исполнения приоритетных задач, определенных в рамках четвертого открытого диалога Президента Республики Узбекистан с предпринимателями, проведенного 20 августа 2024 года, а также дальнейшего совершенствования системы досудебного урегулирования налоговых споров, возникающих между субъектами предпринимательства и налоговыми органами, **постановляю:**

### **I. Основная цель**

1. Основной целью принятия настоящего постановления определить сокращение времени и расходов, затрачиваемых на урегулирование налоговых споров, возникающих между субъектами предпринимательства и налоговыми органами.

### **II. Организация деятельности Экспертного совета по налоговым спорам**

2. Одобрить предложение Торгово-промышленной палаты, Министерства экономики и финансов, а также Налогового комитета об образовании **Экспертного совета по налоговым спорам** при Торгово-промышленной палате (далее – Экспертный совет), состоящего из экспертов по налоговым, экономическим, финансовым и правовым вопросам, в составе **согласно приложению**.
3. Определить **основными направлениями деятельности Экспертного совета:**
  - (а) рассмотрение налоговых споров, возникших между субъектами предпринимательства и налоговыми органами, и предоставление по ним заключений;

(б) изучение нормативно-правовых актов по налоговому законодательству и их применения, а также разработку предложений о повышении качества правоприменительной практики;

(в) установление взаимного сотрудничества с бизнес-сообществом, государственными органами и организациями, а также научными организациями по рассмотрению налоговых споров.

4. Определить, что:

(а) Экспертный совет создается в качестве **постоянно действующего коллегиального органа**;

(б) **Торгово-промышленная палата** является **рабочим органом** по организации деятельности Экспертного совета;

(в) заседания Экспертного совета проводятся **не реже двух раз в месяц**.

5. Предоставить Экспертному совету следующие **полномочия при рассмотрении налоговых споров**:

(а) **рассмотрение обращений субъектов предпринимательства**, не согласных с решениями налоговых органов, за исключением налоговых споров, рассматриваемых в рамках уголовного дела либо в судебном порядке;

(б) **принятие заключения** о результате рассмотрения обращений;

(в) направление принятых заключений в налоговые, таможенные и соответствующие государственные органы **для рассмотрения в обязательном порядке** и информирование об этом субъекта предпринимательства.

6. Предоставить Экспертному совету в рамках возложенных на него задач **следующие права**:

(а) **привлечение специалистов и экспертов**, имеющих достаточные знания, квалификацию и навыки в налоговой, таможенной, экономической, финансовой и правовой сферах. При этом **условия и порядок финансирования** деятельности специалистов и экспертов, привлеченных в Экспертный совет, определяются Торгово-промышленной палатой;

- (б) **истребование** от государственных органов и иных организаций необходимых документов и информации **на безвозмездной основе**, за исключением случаев, запрещенных актами законодательства.

### **III. Организация, обеспечение исполнения постановления и контроль**

**7.** Торгово-промышленной палате совместно с заинтересованными министерствами и ведомствами:

(а) **в двухмесячный срок:**

- (i) принять меры по организации деятельности Экспертного совета;
- (ii) проводить разъяснительно-пропагандистские мероприятия о преимуществах досудебного рассмотрения налоговых споров на постоянной основе с утверждением квартального плана-графика;
- (iii) внести на утверждение в Кабинет Министров проект Положения об Экспертном совете по налоговым спорам;

(б) **ежеквартально** обобщать результаты рассмотренных на Экспертном совете налоговых споров, регулярно информировать заинтересованные министерства, ведомства, организации и широкую общественность о часто повторяющихся спорных вопросах, а также предложениях по их предотвращению.

**8.** Налоговому комитету обеспечить:

- (а) цифровизацию и внедрение технологий искусственного интеллекта в процессы досудебного рассмотрения налоговых споров;
- (б) улучшение межведомственного электронного обмена данными, создание возможности дистанционного участия в заседаниях по рассмотрению налоговых споров;
- (в) создание условий для участия налогоплательщиков (их представителей) в досудебном рассмотрении налоговых споров, в том числе организацию отдельных специальных помещений.

**9.** Возложить на председателя Торгово-промышленной палаты Вахабова Д.А., председателя Налогового комитета Кудбиева Ш.Д., заместителя министра экономики и финансов Хайдарова А.Я. персональную ответственность за эффективную организацию исполнения настоящего постановления.

**10.** Обсуждение хода исполнения настоящего постановления, осуществление координации и контроля за деятельностью ведомств, ответственных за его исполнение, возложить на заместителя Премьер-министра Кучкарова Д.А.

**Президент  
Республики Узбекистан**



**Ш. Мирзиёев**

город Ташкент

**СОСТАВ**  
**Экспертного совета по налоговым спорам**  
**при Торгово-промышленной палате**

1. Вахабов Д.А. – председатель Торгово-промышленной палаты, *председатель Экспертного совета*
2. Хайдаров А.Я. – заместитель министра экономики и финансов, *заместитель председателя Экспертного совета*
3. Урунов Ж.О. – заместитель Уполномоченного по защите прав и законных интересов субъектов предпринимательства, *заместитель председателя Экспертного совета*
4. Файзибаев А.Э. – заместитель председателя Налогового комитета, *заместитель председателя Экспертного совета*
5. Ибатов Б.К. – начальник управления Генеральной прокуратуры
6. Жаксимуратов У.Б. – начальник управления Министерства юстиции
7. Олимжонов Ф.О. – начальник управления Таможенного комитета
8. Байзакова Д.Б. – руководитель Ташкентского международного арбитражного центра
9. Набижонов Б.С. – председатель правления Палаты налоговых консультантов Узбекистана
10. Голосова С.А. – руководитель общества с ограниченной ответственностью «TRI-S-AUDIT»
11. Тангиркулов А.Х. – руководитель общества с ограниченной ответственностью «EXACT ADVICER»
12. *По согласованию – специалисты, привлекаемые исходя из содержания споров\**
13. Ниязов С.А. – начальник управления Торгово-промышленной палаты, *секретарь Экспертного совета*

**Примечание:**

*В случае перехода членов Экспертного совета, привлеченных из государственных органов, на другую работу в его состав включаются лица, вновь назначенные на эти должности, либо лица, на которых возложено выполнение соответствующих функций.*

*Председателем Экспертного совета могут вноситься изменения и дополнения в состав Экспертного совета (в части членов Совета, не привлеченных из государственных органов) на основании представления заместителя председателя Экспертного совета.*

*\* В состав Экспертного совета, исходя из содержания споров, могут привлекаться специалисты или эксперты, не заинтересованные в итогах дела.*

